



ЎЗБЕКИСТОНДА 2024 ЙИЛГИ СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИГА КИРИТИЛГАН АСОСИЙ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ

DSc Нормурзаев Умид Холмурзаевич

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмита
ORCID: 0009-0001-0130-8766*

Аннотация. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йилги солиқ қонунчилик ҳужжатларига киритилган асосий ўзгариш ва солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш уларга янги ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини ошириш, аҳолига янги иш ўринларини яратиш имкониятлари кенгайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон солиқ тизимида амалга оширилаётган айрим муҳим ислохотлар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган

Калит сўзлар: бюджет сиёсати, инфляция, бюджет, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, преференциялар.

АНАЛИЗ ОСНОВНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ, ВНЕСЕННЫХ В НАЛОГОВОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО УЗБЕКИСТАНА В 2024 ГОДУ

DSc Нормурзаев Умид Холмурзаевич

Налоговый комитет при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Аннотация. Одной из важных задач является увеличение объемов рыночных услуг путем внедрения новых подходов в налоговое законодательство Республики Узбекистан в 2024 году и совершенствования порядка предоставления налоговых льгот. При этом были изучены некоторые важные реформы, реализованные в налоговой системе Узбекистана, разработан зарубежный опыт, научно-практические выводы и предложения по его применению в нашей стране.

Ключевые слова: бюджетная политика, кризис, бюджет, налоговое администрирование, субъекты предпринимательства, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы, налог, налоговая ставка, преференции.

ANALYSIS OF THE MAIN CHANGES MADE TO TAX LEGISLATION IN UZBEKISTAN IN 2024

DSc Normurzaev Umid Kholmurzaevich

Tax Committee under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

Abstract. One of the important tasks is to increase the volume of market services by introducing new approaches to the tax legislation of the Republic of Uzbekistan in 2024 and improving the procedure for granting tax benefits. At the same time, some important reforms implemented in the tax system of Uzbekistan were studied, foreign experience, scientific-practical conclusions and suggestions on its application in our country were developed.

Key words: budget policy, crisis, budget, tax administration, business entities, tax reporting, tax revenues, tax credits, tax, tax rate, preferences.

Кириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодий сиёсатининг энг муҳим элементларидан бири – солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиққа тортиш тартибини содаллаштириш, солиқ юкини пасайтириш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳисобланади. Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли солиқ ислохотларининг натижасида аҳоли реал даромадлари ўсиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Солиқ тизимидаги ислохотлар мамлакатнинг иқтисодий манзарасини шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиб бораётган, ички ва хорижий инвестицияларни жалб этиш истагида бўлган мамлакат сифатида солиқ тизимини ислох қилиш муҳимлигини эътироф этди. Ушбу ислохотлар нафақат даромадларни йиғишни кучайтиришга, балки бизнеснинг ўсиши, инновациялар ва барқарор ривожланиш учун қулай муҳит яратишга қаратилган.

Адабиётлар шарҳи.

Жўраев (2005) фикрича, ғарб иқтисодчилари солиқ сиёсати мустақил тушунча ҳисобланмайди. Улар солиқ сиёсати тушунчасига фискал сиёсат тушунчаси орқали ёндошадилар. Фискал сиёсат эса давлатнинг ўз даромадлари ва харажатлари бўйича қарор қабул қилиши бўлиб ҳисобланади - деб таъкидлашади.

Кенэ (1960), инглиз иқтисодчиси Кейнс (1993) ва бошқаларнинг илмий қарашларида муҳим ўрин тутиб келган. Улар давлат иқтисодиётни тартибдашда солиқ сиёсатини юритишнинг турли хил услублари ва ёндошувлари ҳақида кўплаб баҳслар юритган, солиқ сиёсатининг бош мақсади нимадан иборат бўлиши лозимлиги кўрсатиб беришда, кўпроқ, солиқларни ундириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Байбородина (2010) “солиқ ислохотлари – солиқ тизимини кенг кўламли қайта қуриш ва уни бошқариш механизмининг ўзгартириш асосида солиқ муносабатларининг чекланган ёки тубдан ўзгариши сифатида” таърифлайди.

Майбуров (2007) “солиқ ислохоти солиқ тизимини тубдан ўзгартиришни давлат солиқ сиёсатининг янги мазмунига мослаштириш” деб таъкидлайди.

Богатыреванинг (2014) фикрича, “солиқ ислохоти бу давлат солиқ тизимидаги қонуний равишда белгиланган ўзгариш, бу давлат солиқ сиёсати стратегиясини ўзгартиришга асосланади. Шундай қилиб, солиқ сиёсати тактикасининг ўзгариши солиқ ислохотига олиб келмайди. Фақат солиқ тизимида тегишли амалдаги қонунчиликдаги ўзгартиш ва қўшимчалар сифатида кўриб чиқилади. Солиқ сиёсати стратегиясидаги ўзгаришлар мамлакатда солиқ ислохотларини амалга ошириш учун асосдир.

Дементьева (1689) солиқ сиёсатини давлат иқтисодий сиёсатининг инъикоси эканлигини, у мустақил аҳамиятга эгаллиги ва солиқларнинг илмий назариясига асосланиши лозимлигини таъкидлайди. “Амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг натижалари кўп жиҳатдан давлат ўз иқтисодий сиёсатига қандай тузатишлар киритишга мажбур эканлигини, солиқ тизимини қандай қуриш кераклигини белгилайди”.

Карп (2001) Солиқ сиёсати давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги умумий молиявий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, солиқ соҳасидаги давлат фаолияти концепцияси, солиқ механизми, солиқ тизимини бошқариш каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Петрунин, Панов, Логуновалар (1995) эса, солиқ сиёсати ва унинг стратегик мазмунини “солиқ қонунчилигидаги корхоналарга солиқ тўлашдан қочиш имконини берувчи бўшлиқларни аниқлашдан иборат” деган фикрни илгари суради.

Аронов, Кашинлар (2007) ўзининг тадқиқотида еса, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг хориж ва Россия Федерациясида ундириш механизмини ўрганган ҳолда солиқ тўлашдан бош тортган солиқ тўловчилар билан ишлаш сиёсати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, келгусида ҳар бир солиқ тўловчи ўз хоҳиши билан солиқ тўлаш мажбурияти бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишган ҳамда ушбу тавсияларни солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш соҳасида қўллаб уни исботлашган ва бир қатор амалий чораларни амалга оширишган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, солиқ имтиёзларига доир маълумотлар ва уларни таҳлиллар амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-891-сонли Қонуни, “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-221-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-422-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатларга асосан солиқ қонунчилига қуйидаги қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан солиқ кодексининг 46-моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича:

1) Халқаро молия институтларидан жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан амалга ошириладиган бюджет ташкилотларининг лойиҳалари, шунингдек давлат корхоналари ҳамда давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг инфратузилма лойиҳалари доирасида товарларни реализация қилиш ва уларнинг импорти 2024 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар ҚҚСдан озод қилинмоқда (16.11.2023 йил, ПФ-195-сон).

2) 2024 йилнинг 1 апрелидан қуйидагилар бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинади:

– дори воситалари, шунингдек ветеринария дори воситалари, тиббий ва ветеринария хизматлари бўйича;

Бунда “Ижтимоий реестр”га киритилган фуқароларга ҚҚС суммаси (12 фоиз) “кэшбек” сифатида қайтариш механизми яратилади. Мисол учун, Самарқанд вилоятида жойлашган “YUMAXFARM-SERVIS” МСНЖ томонидан 2023 йилнинг 9 ойида жами товар айланмаси 114,4 млрд.сўм ташкил этиб, шундан 13,1 млрд.сўмлик ҚҚСдан имтиёз қўлланилган. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу корхона томонидан дори воситалари ҚҚС билан сотилиши натижасида 12,0 млрд.сўмлик ҚҚС суммасини “ҳисоб”га олиш имконияти пайдо бўлиб, маҳсулот таннархининг шу миқдордаги суммага камайиши таъминланади.

– аҳоли учун ичимлик сув, шунингдек канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича кўрсатиладиган хизматлар бўйича ноль даражали ставка.

Акциз солиғи бўйича:

1) Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мослаштириш, хусусан маҳаллий ва импорт акциз солиғи ставкаларини босқичма-босқич тенглаштириш мақсадида 2024 йил 1 январдан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари импорти учун ставка 5 фоизга пасайтирилмоқда. Бунда, амалдаги алкоголь маҳсулотлари учун 1 литрига 106,8 минг сўмдан 101,5 минг сўмга, сигаретлар 1 000 донаси учун 342 минг сўмдан 325 минг сўмга пасайтирилмоқда. Натижада импортёрлар ихтиёрида 6,8 млрд.сўм маблағ қолади.

2) 2024 йил 1 январдан тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиғи ставкалари 12 фоизга оширилмоқда.

Тамаки маҳсулотлари акциз солиғидан тушадиган маблағлар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини яхшилаш, аҳоли саломатлигини тиклашга ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришга йўналтирилади. Мисол учун, ҳозирги кунда 1 пачка “Кент 6” сигаретининг чакана нархи 16 минг сўм, шундан акциз солиғи 5,4 минг сўмни ташкил қилади ва акциз солиғи индексация қилингандан кейин сигарет нархи 16,5 минг сўмни, акциз солиғи 5,9 минг сўмни ва сигарет нархидаги солиқнинг улуши 36 фоизга етади. Маълумот учун: Россияда бу кўрсаткич 35%, Қозоғистонда 24% ни ташкил этмоқда. Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мувофиқ акциз солиғи ставкалари маҳаллий ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган маҳсулотлар учун бир хил бўлиши лозим. Маълумот учун: Акциз солиғи тушумларининг 5% миқдори Ижтимоий ҳимоя агентлигига ўтказилади.

Маҳаллий ишлаб чиқариладиган этил спиртига акциз солиғи ставкаси 2 бараварга (1 литр учун 7 450 сўмдан 14 900 сўмга) оширилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига кўра, алкогольли маҳсулотлар нархида акциз солиғининг улуши 60% дан кам бўлмаслиги зарур. Ҳозирги кунда 1 литр этил спиртининг нархи 28 минг сўм бўлиб, акциз солиғи улуши 27 фоизни ташкил этади. Акциз солиғи ставкаси 2 бараварга ошган тақдирда 1 литр спиртдаги акциз солиғининг улуши 40-43 фоиз атрофида бўлади. Маълумот учун: Россияда бу кўрсаткич 76 фоиз, Қозоғистонда 51 фоизни ташкил этади. Мисол учун: 2023 йилда спирт учун акциз солиғи ставкасини 5 бараварга оширилиши натижасида тушумлар 349,4 млрд.сўмни ташкил этиши ёки 5,8 бараварга ошиши кутилмоқда (2022 йилда 90,9 млрд.сўм). 2024 йил 1 апрелдан нефть маҳсулотлари учун акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкалари 12 фоизга индексация қилинмоқда. Аҳоли саломатлигига салбий таъсирларни камайтириш ва табиатга келтириладиган зарарларни қисқартириш мақсадида таркибида зарарли газ моддалари улуши юқори бўлган бензин маҳсулотларига акциз солиғи ставкаси индексация қилинмоқда ва Евростандарт талабларига жавоб берадиган бензин маҳсулотларига амалдаги ставка сақланиб қолинмоқда. Маълумот учун: АИ-80 маркали бензиннинг атроф муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсири юқори ҳисобланади. Бундай маркадаги бензин кўплаб давлатларда ишлаб чиқарилмайди ёки қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилади.

1 куб метр сиқилган газ учун акциз солиғи ставкасини индексация қилиниши натижасида нарх атиги 2,9 фоизга ёки 95 сўмга ошади.

2024 йил 1 июлдан бошлаб республикада ишлаб чиқарилган алкогольли маҳсулотлар учун акциз солиғи ставкаси 5 фоизга (амалдаги 1 литр учун 38,0 минг сўмдан 40,0 минг сўмга) оширилмоқда. Масалан: маҳаллий ишлаб чиқарилган “Журавли” 40% (0,5 л) ароғининг чакана нархи 22,2 минг сўм туради. Бугунги кунда ароқ нархидаги акциз солиғининг улуши 34 фоизни ташкил этади. Спирт ва алкогольли маҳсулотлари солиқ ставкаларини ўзгартирилиши ҳисобига ароқ нархидаги акциз солиғининг улуши 36 фоизни ташкил қилади. Мисол учун: Россияда бу кўрсаткич 49 фоизни, Қозоғистонда 41 фоизни ташкил этади.

Фойда солиғи бўйича:

1) Фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнак тўловларини тўлаши лозим бўлган тадбиркорлар даромадининг чегаравий миқдори 5 млрд.сўмдан 10 млрд.сўмга

оширилмоқда. Натижада ҳар ой бўнак тўлаши лозим бўлган тадбиркорлар сони 22,3 минг нафардан 12,8 минг нафарга камаяди ва 9,5 минг нафар тадбиркорлик субъект ихтиёрида 162 млрд.сўм миқдорида маблағ вақтинчалик қолади. Мисол учун, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳридан рўйхатдан ўтган “Авто ЗАЗ” МЧЖ томонидан 2022 йилда даромади 5 млрд сўмдан ошган бўлиб, 2023 йилда 503,6 млн.сўм фойда солиғи бўнак пули тўлаб берилган ва 4 марта бўнак тўлови маълумотномаси тақдим қилинган. Мазкур норманинг амалиётга жорий қилиниши билан ушбу корхона томонидан 503,6 млн.сўмлик бўнак тўлови тўланмасдан ўз бизнесини ривожлантириш учун ишлатиш имконияти бўлади (1 чорак давомида). Шунингдек бўнак тўлови маълумотини беришдан озод этилади ва вақти тежалади.

2) 2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлашнинг комплекс дастури”да иштирок этадиган тижорат банкларининг лойиҳалар бўйича ажратилган банк кредитларидан олинган фоиз кўринишидаги даромадлари фойда солиғини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар тоифасига киритилмоқда. Ушбу меъёр Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.09.2023 йилдаги ПҚ-292-сон қарорида белгиланган эди.

Мол-мулк ва ер солиқлари бўйича:

1) Мол-мулк солиғининг асосий ставкасини (1,5 фоиз) сақлаб қолган ҳолда, солиқ базасини аниқлашда 1 кв.м учун ўрнатилган минимал қиймат Тошкент шаҳри учун – 3 млн.сўм (амалда 2,5 млн.сўм), Нукус шаҳри ва вилоят марказлари учун – 2 млн.сўм (амалда 1,5 млн.сўм), бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойлар учун – 1,2 млн.сўм (амалда 1 млн.сўм) миқдорида белгиланмоқда.

2) 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар “Иزلаниш ва ривожланиш” (R&D) марказларига мол-мулк ва ер солиқларини ҳисобланган суммадан 1 фоиз ундирилиши белгиланмоқда.

5. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича

Солиғи ставкалари:

– саноат корхоналари, электр станциялар ва автотранспорт воситаларини ювиш шохобчалари учун 12 фоизга, иқтисодиётнинг бошқа тармоқдаги корхоналари учун 30 фоизга индексация қилинмоқда. Яъни, ер усти ва ер ости сув манбалари бўйича белгиланган (1 куб.м учун) амалда солиқ ставкалари саноат корхоналари учун 570 сўм/680 сўмдан - 638/760 сўмга, электр станциялар учун 90 сўм/110 сўмдан - 101/123 сўмга, автотранспорт воситаларини ювиш шохобчалари учун 2410 сўм/2410 сўмдан - 2700/2700 сўмга, иқтисодиётнинг бошқа тармоқдаги корхоналари учун 265 сўм/320 сўмдан - 345/415 сўмга ўзгармоқда.

– қишлоқ хўжалиги корхоналари учун – 100 сўм (амалда 45 сўм) миқдорида белгиланмоқда. Бунда, сув ўлчагич ускунаси ўрнатилганда – 0,7 камайтирувчи коэффициентни қўллаш тартиби сақланиб қолинади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича:

1) Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактошнинг 1 тоннаси учун 4 бараварга пасайтирилиб 6 000 сўм миқдорида (амалда 22 500 сўм) белгиланмоқда. Мазкур меъёр нархларнинг ошиши натижасида тадбиркорлик субъектлари учун цемент маҳсулотлари нархининг кескин ошишига йўл қўймаслик мақсадида. Цемент ишлаб чиқариш учун оҳактошга солиқ ставкасини 4 бараварга камайтириш ушбу маҳсулотларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатбардошлигини оширади. Бунда, цемент ишлаб чиқариш учун оҳактошга солиқ ставкасининг 4 бараварга камайтирилиши муносабати билан цемент ишлаб чиқаришда фақат кўмир ишлатадиган заводлар учун фойдали қазилманинг ушбу турига нисбатан белгиланган солиқ ставкасини 50 фоизга камайтириш тартибини бекор қилиш назарда тутилмоқда. Маълумот учун: солиқ

ставкаси камайтирилиши натижасида цемент заводлар ихтиёрида 500 млрд.сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

2) Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг қатъий миқдорда белгиланган солиқ ставкалари 12 фоизга индексация қилинмоқда. Бунда, амалда минерал тузлар, карбонат хом ашёси минерал ўғитлар ҳамда бошқа кон-кимё хом ашёси 3,5 фоиз, бироқ 5 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган ставка 3,5 фоиз, бироқ 5 600 сўм/куб.м дан кам бўлмаган ставкага, Табиий безактошдан блоklar, араланадиган харсангтош, харсангтош, гипс тоши, гипс ва ангидрид, ганч, мрамар, оҳактош-чиғаноқ, оҳактош ва бошқалар 5 фоиз, бироқ 5 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган ставка 5 фоиз, бироқ 5 600 сўм/куб.м дан кам бўлмаган ставкага, ғишт-черепица хом ашёси, лёсслар ва лёссимон жинслар, қурилиш қуми, қумтошлар, қум-шағал аралашмаси 5 фоиз, бироқ 3 750 сўм/куб.м дан кам бўлмаган ставка 5 фоиз, бироқ 4 200 сўм/куб.м дан кам бўлмаган миқдорда солиқ ставкаларига ўзгартирилмоқда.

Ижтимоий солиқ бўйича:

2027 йил 1 январга қадар “Изланиш ва ривожланиш” (R&D) марказларига ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада тўлаши белгиланмоқда. Натижада марказлар даромад олмаса ҳам тўлаши лозим бўлган солиқлардан озод бўлади ва имтиёз берилаётган давр марказларнинг иш ўринларини яратишига ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлашига хизмат қилади.

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича:

1) 2024 йил 1 январдан бошлаб айланмадан олинадиган солиқнинг қатъий белгиланган суммаси 25 ва 34 млн.сўм (амалда 20 ва 30 млн.сўм) миқдоридан инфляция даражасида индексация қилинмоқда.

Қатъий белгиланган ставкалар фоизли ставкада тўлаш шартларига (солиқ юки даражаси) яқин даражада белгиланган. Солиқ ставкалари индексация қилинганда уларга нисбатан солиқ юки ўзгармай қолади. Нархларнинг ўсиши шароитида ставкаларни ўзгаришсиз қолдириш солиқ юкидаги ўзаро мувозанатни бузилишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб индексация қилинмоқда.

Жисмоний шахслар бўйича:

Ўзбекистон худудида хизмат кўрсатадиган хорижий якка тартибдаги тадбиркорларни (жисмоний шахсларни) ҚҚСга тортиш жорий этилмоқда. Мисол учун, IT хизматларини кўрсатаётган маҳаллий якка тартибдаги тадбиркорлар (айланмаси 1 млрд.сўмдан ошганда) ҚҚС тўлаётган бўлиб, чет эллик якка тадбиркорлар ҚҚСга тортилмасдан қолмоқда. Маълумот учун: Россияда хорижий якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган импорт хизматлари ҚҚСга тортилади. 2022 йилда 305 та хорижий тадбиркорлар томонидан маҳаллий тадбиркорларга 84,5 млрд.сўм миқдоридан хизмат кўрсатилиб ҚҚС ҳисобланмасдан (10,4 млрд.сўм), маҳаллий хизмат кўрсатувчилар учун ноҳалол рақобат юзага келган. Мазкур нормани киритилиши барча тадбиркорлар учун тенг шароит яратилишини таъминлайди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ бўйича:

1) Президентнинг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сон қарорларига мувофиқ қуйидагилар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинмоқда:

– акциялар оммавий жойлаштирилганда корхоналар ходимлари томонидан ўз ходимларининг акцияларга эгаллик қилиш режаси доирасида акцияларни сотиб олишга йўналтирадиган ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларидан ошмайдиган маблағлари;

– фуқароларнинг маҳаллий фонд бозорида эмиссия қилинган қимматли қоғозларини сотиб олиш учун йўналтириладиган даромадлари. Бунда, мазкур имтиёз 1 йил давомида жами 105 млн.сўм (меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 100 баравари) миқдоргача йўналтирилганда ҳамда уларни 12 ой ичида қайтариб

олмаслик шарти асосида қўлланилади ҳамда мамлакатимизда фонд бозорининг ривожланишига турки бўлади.

2) 2024 йил 1 январдан бошлаб:

– даромади 100 млн.сўмдан ошган ўзини ўзи банд қилган шахсларни якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солиққа тортиш белгиланмоқда. Бунда, ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан ижтимоий солиқни ихтиёрий тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда. Мисол учун: Фарғона вилояти, Тошлоқ туманида “Миллий нон ва патирларни тайёрлаш ва сотиш” фаолияти билан шуғулланувчи ўзини ўзи банд қилган фуқаро М.Исакова 2023 йил январь-август ойларида 817,7 млн.сўмлик товар айланмасини амалга оширган. Худди шундай фаолияти билан шуғулланаётган ЯТТ ушбу миқдордаги товар айланмадан 4 фоизли ставкада 33 млн.сўм айланмадан олинадиган солиқни тўлаши лозим бўлади. Мазкур норманинг амалиётга жорий қилиниши 100 млн.сўмдан ортиқ даромад олган ўзини ўзи банд қилганлар ва ЯТТлар учун тенг шароит яратилишини таъминлайди. Маълумот учун, ҳозирги кунда жами 2,4 млн нафар ўзини ўзи банд қилган шахслардан даромади 100 млн.сўмдан ошгани 1,5 минг нафарни ташкил этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг ўз фаолиятидан олган даромадларига солиқ солишни назарда тутлади. Масалан: Буюк Британияда, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Белоруссия мамлакатларида ўзини ўзи банд қилган шахслар ўз фаолиятидан олган даромадларидан солиқ тўлайдилар.

3) 2024 йил 1 февралдан бошлаб якка тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ ставкалари 10 фоизга инфляция даражасида индексация қилинмоқда. Мисол учун, чакана савдо фаолият тури бўйича Тошкент шаҳрида амалдаги 825 минг сўмдан 907 минг сўмга, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларда 660 минг сўмдан 726 минг сўмга, бошқа шаҳарларда 330 минг сўмдан 363 минг сўмга бошқа аҳоли пунктларида 220 минг сўмдан 242 минг сўмга ўзгармоқда. Масалан, чакана савдо билан шуғулланаётган ЯТТ қатъий миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини Самарқанд шаҳрида 2023 йилда ойига 660 минг сўм тўлаган бўлса, 2024 йилда ойига 726 минг сўм тўлайди.

4) Жисмоний шахслар учун ижара тўловининг энг кам ставкалари инфляция даражасида индексация қилинмоқда.

Мол-мулк ва ер солиқлари бўйича:

1) Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи базасини аниқлашдаги 1 кв.м учун ўрнатилган минимал қиймат ўрнатиш тартибини жисмоний шахсларнинг нотурар объектларини солиққа тортиш учун ҳам қўллаш жорий этилмоқда.

Бунда солиқ тўловчига кўчмас мулк объектлари қийматини мустақил баҳолатиш ва натижалари бўйича солиқ ҳисоблаш ҳуқуқи берилмоқда. Ушбу тартиб нотурар жой учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари жисмоний ёки юридик шахсга тегишлилигидан қатъий назар, уларни солиққа тортишда тенг шароит яратиш мақсадида киритилмоқда. Мисол учун: юридик шахс балансида бўлган Тошкент шаҳрида жойлашган 543 кв.м объектига киритилган энг кам меъёрларга мувофиқ 2023 йилда 20,4 млн.сўм (543 кв.м*2,5 млн.сўм*1,5 фоиз) мулк солиғи ҳисобланиши лозим эди. Бироқ, юридик шахс балансидан 2023 йил 4 январда фуқаро номига ўтказилиб, кадастр қиймати 95,3 млн.сўмга баҳоланиб, 1,4 млн.сўм мулк солиғи ҳисобланган ва натижада 19 млн.сўм бюджетга тўланмасдан қолган.

2) Жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи ставкалари 12 фоизга инфляция даражасида индексация қилинмоқда. Яъни, қурилиш майдони 200 кв.метргача бўлган уй-жойлар учун амалда базавий солиқ ставкаси 0,28 фоиздан - 0,31 фоизга, 200 кв.м дан ортиқ ва 500 кв.м гача уй-жойлар учун 0,37 фоиздан - 0,41 фоизга, 500 кв.м дан ортиқларга 0,49 фоиздан - 0,55 фоизга индексация қилинмоқда. Солиқ ставкаларини

индексация қилиш солиқ солинадиган база мутлақ миқдорда белгиланган кўчмас мулкнинг кадастр қиймати бўлганлиги ва 2018 йилдан бери индексация қилинмаганлиги сабабли амалга оширилади.

3) Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғининг базавий ставкалари 12 фоизга инфляция даражасида индексация қилинмоқда.

Яъни, амалда базавий солиқ ставкаси: юридик шахслар учун (1 гектар учун) Тошкент шаҳрида 50–242 млн.сўмдан 56–271 млн.сўмга, бошқа ҳудудларда 24–39 млн.сўмдан 27–44 млн.сўмга; жисмоний шахслар учун (1 кв.метр учун) Тошкент шаҳрида 550–1408 сўмдан 616–1577 сўмга, бошқа ҳудудларда 226–352 сўмдан 253–394 сўмга ўзгармоқда.

Янги жорий қилинаётган ҳамда бекор қилинаётган солиқлар ва йиғимлар бўйича:

1) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб таркибида шакар ёки бошқа ширинлаштирувчи ва (ёки) хушбўйлаштирувчи қўшимчалари бўлган минерал ва газланган ичимликларга 1 литр учун 500 сўм, шунингдек энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликларга 1 литр учун 2 000 сўм миқдорида акциз солиғи жорий этилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) таркибида газланган шакар ва бошқа турдаги ширинлаштирувчи моддалар қўшилган алкогольсиз ичимликлар мавжуд ичимликларни кўп истеъмол қилиш ортиқча вазн пайдо бўлиши, қандли диабет, кариес каби касалликларни кўпайишига сабаб бўлишини инобатга олиб ушбу ичимликлар учун қўшимча солиқ киритишни тавсия этган. Ушбу солиқ тури бўйича тушумлар тўлиқ ҳолда Тиббиётни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилиши белгиланмоқда. Мазкур ичимликлар нархи ўртача 1 литр учун 5,6 фоиздан 10 фоизгача ошади. Ушбу солиқ 90 дан ортиқ мамлакатларда, шу жумладан Россия, Тожикистон ва Озарбайжонда ҳам жорий этилган. Европа Иттифоқи мамлакатларида солиқ ставкаси ичимликларнинг бир литри учун 0,07-0,2 евро, Россия Федерациясида 7 рубл (ёки 0,07 долл.), Украинада 0,1 еврони ташкил қилади.

2024 йил 1 апрелдан бошлаб юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори транспорт воситалари ва тиркамалари учун табақалаштирилган йиллик 1,7-3,4 млн.сўм (БХМнинг 5-10 баравари) миқдорда “йўл йиғими” жорий этилмоқда. Мазкур йиғим жорий этилиши натижасида 63 млрд.сўм маблағлар умумфойдаланишдаги йўлларни сақлаш ва жорий таъмирлаш учун йўналтирилади. Республикада юк кўтариш қуввати 10 тоннадан ортиқ 30 080 та транспорт воситалари ва тиркамалар мавжуд. Ушбу амалиёт Австралия (оғирлиги 4,5 тоннадан ортиқ), Германия (оғирлиги 12 тоннадан ортиқ), Англия ва Латвияда (оғирлиги 3,5 тоннадан ортиқ) жорий этилган. Латвияда оғирлиги 3,5 тоннадан оғир юк машиналари учун 365 евро (4,7 млн.сўм), 12 тоннагача бўлганлар учун 660 евро (8,5 млн.сўм) ва 12 тоннадан оғир бўлганлар учун 828 евро (10,6 млн.сўм) йиллик йиғимлар жорий қилинган. 2024 йил 1 июлдан пневматик резина шиналар ва покришкалар учун утилизация йиғими жорий этилмоқда.

Ҳозирги кунда автомобил шиналарини утилизация қилишда табиатга зарар етказилмоқда. Ушбу йиғимдан тушган маблағлар ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни молиялаштиришга йўналтирилади. Автомобиль шиналарининг 1 донаси вазндан келиб чиқиб, 1 кг учун 1 020 сўм (БХМнинг 0,3 фоизи) миқдорида утилизация йиғими белгиланган таклиф қилинмоқда. Масалан, енгил автомобилларнинг 4 та шинаси ўртача 6 кгдан 17 кггача бўлса, улар учун 6,2 минг сўмдан 17,3 минг сўмгача, юк автомобиллар шиналарига 11,3 минг сўм дан 58,8 минг сўмгача йиғим ундирилади. Қозоғистонда 1 дона енгил автомобил шинаси (R15) учун 350 тенге (9,1 минг сўм), юк машинаси (R20) учун 1 856 тенге (47,5 минг сўм) утилизация йиғими ундирилмоқда. Маълумот учун: Ўзбекистонда автомобил шиналари ишлаб чиқарувчиси ҳисобланган “БРТЗ” МЧЖ томонидан 2023 йилда 350 минг дона атрофида қиймати 121 млрд.сўмлик шина

махсулотлари ишлаб чиқариш мўлжалланган ёки йиғим суммаси 5,8 млрд.сўми (4,8%) ташкил қилади.

2024 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабргача металларни қазиб олувчи, шунингдек, углеводород хом ашёсини қазиб олувчи юридик шахсларга махсус рента солиғи қўлланилмаслиги назарда тутилмоқда (амалда солиқ ставкаси солиқ базасига нисбатан 25 фоиз миқдориди белгиланган). Ушбу меъёр чет эл инвесторлари учун фойдали қазилмалар кам бўлган, камайиб бораётган ёки қазиб олиш камаяётган конларни ўзлаштириш мақсадида, чет эл инвесторларига республиканинг қазиб олиш соҳасига инвестицияларни жалб қилиш учун жозибодор инвестиция шарт-шароитларини шакллантиришга қаратилган.

Солиқ маъмуриятчилигидаги бошқа ўзгаришлар бўйича:

1. Камерал солиқ текширувида:

тадбиркордан ҳужжат талаб қилиш, бино ва ҳудудларига кириш ёки уни идорага чақириш тақиқланмоқда;

қўшимча ҳисобланган солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш жорий этилмоқда (амалда бошқа текширишлар учун бор эди).

Камерал солиқ текшируви натижасида қўшимча ҳисобланган 930 млрд.сўм миқдоридидаги солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади.

2. Ресурс солиқларининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида солиқ тўловчининг шахсий кабинети, уяли телефон рақамига ва солиқ органларининг махсус мобиль иловасига СМС-хабарнома шаклида солиқни тўлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартиби киритилмоқда.

Амалда хабарнома солиқ тўловчиларга фақат имзо қўйдирилган ҳолда ёки почта орқали берилади. Ҳозирги кунда солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларга 7,3 млндан ортиқ тўлов хабарномаларини юборишга 1,5 минг нафар солиқ ходими жалб қилиниб, 1,2 млрд.сўм маблағ сарфланмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, яширин иқтисодийётни қисқартиришда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш чораларини кўриш юзасидан қўйдаги таклифларни беришимиз мумкин. Халқаро молия институтлари ҳамкорлигида “Солиқ хавфларини бошқариш” (CRM) тизимини жорий қилиш. Бунда дастлаб, Қурилиш ва кейинчалик савдо, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларини қамраб олиш. Тенг рақобат муҳитини яратиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш чора-тадбирларини давом эттириш, шу жумладан солиқ тўламаслик хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилари учун қўшимча чекловлар ўрнатиш тизимини жорий қилиш керак бўлади.

Адабиётлар/ Литература / Reference:

Normurzaev, U. (2021) “Puti effektivnogo ispolzovaniya nalogovyx lgot dlya podderjki predprinimateley.” *Ekonomika i innovatsionnye texnologii*,(4): 355-362.

https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/

Аронов А. ва Кашин В. (2007) *Налоги и налогообложение* М.: Магистр.

Байбородина В.Г. (2010) *Налоги и налогообложение: учебное пособие / Хабаровск: РИЦ ХГАЭП, 108 с.*

Богатырева Е.Н. (2014) *Теоретические детерминанты налоговых реформ.* ISSN 2221-7347 *Экономика и право.*

Дементьева Н.М. (1689) *налоговая политика государства.* https://nsuem.ru/science/publications/science_notes/issue.php?ELEMENT_ID=1689,

Жўраев А., Сафаров Ф. (2005) *Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма.* –Т.: “Iqtisod-moliya”,. 48-бет.

- Карп М.В. (2001) *Налоговый менеджмент: Учебник для вузов.* – М.: Юнити-дана, – 39 с.
- Кейнс Дж.М. (1993) *Общая теория занятости, процента и денег.* – М.: Кенэ (1960) *Избранные экономические произведения.* -М.Соцэкгз.;
- Кодекс (2020) *Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Гафур Ғулом нашириёт уйи.* - 640 б.
- Майбуров И.А. (2007) *Налоги и налогообложение: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям; под ред. И.А.Майбурова.* –М.: юнити-дана, -655с.).
- Нормурзаев У. (2021). Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в Узбекистане. *Economics and Education*, (6), 82–86. https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a285
- Нормурзаев, У. (2021). Способы использования эффективных методов путем предоставления налоговых льгот для поддержки предпринимателей. *Экономика И Образование*, (3), 91–95. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/7191.
- Нормурзаев, У. (2022). Хукуматимиз томонидан солиқ маъмурчилиги бўйича 2018-2022 йилларда амалга оширилган солиқ ислохотлари натижалари. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*, 10 (5), 325–330. https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a35
- Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 24(1), 334–339. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51
- Нормурзаев, У. (2023). Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўллари. *Iqtisodiy Taraqqiyot va Tahlil*, 1(6), 177–182. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss6-pp177-182>
- Нормурзаев, У. (2023). Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида молия бозорининг долзарб муаммолари тадбиркорликни тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш йўллари. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 88–89. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/19032>
- Нормурзаев, У. (2023). Яширин иқтисодиётни камайитиришда солиқ органларининг аҳамияти. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(2), 215–221. Retrieved from <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/66>
- Петрунин Ю.Ю., Панов М.И., Логунова Л.Б. (1995) *Налоговая политика // Экономика. Словарь по обществознанию.* — М.: КДУ.